Ma'suliyati cheklangan jamiyat shaklidagi
# «HAMKOR TAHLIL» Auditorlik tashkiloti.

## *ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.*

**«Чорсу деҳқон универсал бозори» акционерлик жамияти раҳбарига**
Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси, 333-уй.
ОАТ "Туронбанк" Наманган бўлими.
МФО 00226. х/р: 2020 8000 5003 7957 2001.
СТИР: 200055321

**MCHJ shaklidagi «HAMKOR TAHLIL» auditorlik tashkiloti.**
**Гувохнома №1100.** Ўз.Р.Адлия вазирлигидан 2014 йил 07 мартда 403-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган. СТИР: 302862065. ХХТУТ: 84400.
**Лицензия: №00767.** Ўз.Р.Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрелда берилган.
**Фаолияти:** Ўзбекистон Республикаси худудида аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш.
**Ҳисоб рақами:** 20208000200292440001. АТБ Капиталбанк Наманган бўлими. МФО-01085.

Мен, Ўзбекистон Республикаси Ma'suliyati cheklangan jamiyat shaklidagi «HAMKOR TAHLIL» auditorlik tashkiloti аудитори Турабаев Ёқубжон Абдулвохиджанович, менга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2017 йил 09 июнда берилган №05484-сонли аудитор малака сертификатига мувофиқ ҳамда Ma'suliyati cheklangan jamiyat shaklidagi «HAMKOR TAHLIL» auditorlik tashkiloti билан **«Чорсу деҳқон универсал бозори» акционерлик жамияти** ўртасида 2020 йил 18 майда тузилган №01-32/А-сонли шартномага асосан **«Чорсу деҳқон универсал бозори» акционерлик жамиятининг** баланс (1-сонли шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги (2-сонли шакл) ҳисоботларидан иборат 2019 йил 01 январдан 2019 йил 31 декабр холатига тузилган молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятини бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисоботлар юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз **«Чорсу деҳқон универсал бозори» акционерлик жамиятининг** илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисоботлар жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизни предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр.**

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект - **«Чорсу деҳқон универсал бозори» акционерлик жамиятининг** 2019 йил 01 январдан 2019 йил 31 декабр холатига тузилган молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий холати ва молиявий ва хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Аудиторлик ташкилот раҳбари:** **Ё.Турабаев**

**Аудитори:** **Ё.Турабаев**